ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Ахмедова Муяссар Хадиматовна, *Тошкент давлат педагогика университети Умумий психология кафедраси доценти, психол.ф.д.*
E-mail: muyassaraxmedova1968@gmail.com
Ахмедова Малика Қудратовна, *Педагог -дефектолог, модератор*, *Шимкент шаҳар давлат коммунал муассасаси*, *“Сайрам ёрдамчи мактаб-интернат-колледж” таълим бошқармаси, Қозоғистон Республикаси*
malika25011989@mail.ru

Аннотация Сўнги йилларда жаҳон тилшунослигида лингвокултурологик масалаларга бағишланган кўплаб тадқиқотлар юзага кела бошлади. Чунки маълумотларнинг асосий қисми инсонга лингвистик йўналиш орқали етиб келади. Мақолада лингвокултурология соҳасининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши илмий манбалар асосида ифодаланган. Унда тил структурасини тўлиқ тасвирлаш «тилнинг табиати»ни очиб беришда лингвокултурология муҳим аҳамиятга эга эканлиги баён этилган

Калит сўзлар: тилшунослик, лингвокултурология, тафаккур, характер, маданият, категория, консепция.

Resume. In the last years, a lot of research began to arise in World linguistics, focusing on linguistic issues. Because the main part of the information reaches a person through a linguistic direction. The emergence and development of the field of linguoculturology in the article is expressed on the basis of scientific sources. It states that linguoculturology is important in revealing the "nature of language"when describing the structure of a language as a whole.

Keywords: linguistics, linguoculturology, thinking, character, culture, category, concept.

Сўнгги йилларда дунё тилшунослигида қатор лингвистик йўналишлар пайдо бўла бошлади. Бу йўналишлар – когнитив лингвистика (когнитив



тилшунослик), этнолингвистика, тилнинг антропологияси, лингвокултурология, этногерменевтика, прагмалингвистика, гендерология каби янги йўналишлар бўлиб, улар марказида тилни миллий-маданий, гендер ва когнитив жиҳатдан тадқиқ этиш туради.

XXI аср бошларида жаҳон тилшунослигида лингвокултурологик масалаларга бағишланган кўплаб тадқиқотлар юзага кела бошлади. Жумладан, рус тилшуносларидан Ю.С.Степановнинг «Константлар: Рус маданияти луғати»да рус тили вакиллари учун муҳим ҳисобланган консептлар ва уларнинг моҳияти анча жиддий тарзда тадқиқ қилинган[10]. Н.Д.Арутюновнинг «Тил ва инсон дунёси» тадқиқоти турли давр ва турли миллатлар матнларида мавжуд бўлган универсал маданият терминларини ўрганишга қаратилган. В.Н.Телия ва унинг мактабидаги тадқиқотлар предмети фразеологизмлар, мақсади эса миллий-маданий коннотациялари ва «менталитетнинг характерли чизиқлари»ни тавсифлашдан иборат[1;12]. Лингвокултурология ва лингвокултурологик терминлар лингвокултурологик методлар сингари муаллифлар томонидан кўпинча аниқ асослаб берилмайди. Натижада, лингвокултурологик категория эркинликка эга бўлиб, баъзида бирор термин остида, ҳатто тил сиёсатини ҳам ифода этиши мумкин бўлади. Охирги ўн йил ичида бу йўналишлар (асосан, лингвокултурология ва лингвокогнитология) ўзбек тилшунослигига ҳам кириб кела бошлади.

Лингвокултурология (лингвомаданиятшунослик) – лингвистик тадқиқотлар орасида бош, етакчи йўналишлардан биридир. У тилнинг руҳидан, лисоний менталлик (ўзига хослик) билан боғлиқ у ёки бу ҳодисалардан келиб чиқиб, нутқий мулоқот тузилишининг миллий маданий ўзига хос қонуниятларини ўрганади.

Лингвокултурология XX аср охирида лингвистикада антропологик парадигмалар маҳсули сифатида майдонга келган деб қаралади. Унинг бошланиши асосан В. фон Гумболдт номи билан боғлиқ[6. 308]. Унинг тадқиқоти тил характери ва миллат характерининг ўзаро алоқадорлигига



бағишланган. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, турли тиллар ўз моҳияти, онгдаги ифодаси жиҳатидан турли дунёқарашларни акс эттирар экан. Тил хусусиятларида миллат характерли намоён бўлади, шунинг учун тилнинг чуқур тадқиқ қилинишида барча жиҳатлар қамраб олиниши муҳим ва зарур. Гумболдт қарашларининг янгилиги шунда эдики, олим турли хил тил шаклларини ўрганиш мобайнида борлиқни англаш ва тафаккур қилиш жараёнидаги турли-туманликлар ва фарқларни ажратди ҳамда тилда маданият ўзига хос тарзда акс этади, деган хулосага келди. В.Гумболдтнинг фикрлари (неогумболдтианства) XIX-XX асрларда ривожланди. XIX асрда олимнинг илмий мероси А.А.Потебня томонидан «тил фаолият сифатида» шаклида ривожлантирилди. XX аср ўрталарида Европада унинг қарашларини Л.Вейсгербер, Х.Глинц, Х.Холц каби олимлар давом эттирдилар. Улар тафаккур ҳамда фикр мантиқий қурилишининг тил структур хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги масаласини тадқиқ қилишган. Бу йўналишдаги тадқиқотларда турли тилларнинг семантик сфералари таҳлил қилинганлиги асосий ўрин тутади. В.Гумболдт таълимотини XIX аср бошлари ва XX асрда Е.Сепир ва Б.Л.Уорф каби тилшунослар АҚШда давом эттирганлар[8;12]. Улар ўз тадқиқотларида билиш жараёнида тилнинг устувор роли масаласини илгари суришган. Тадқиқотлари Шимолий Америка ҳиндулари тилини тадқиқ қилиш жараёнида тўпланган материалларга асосланган. Улар ўз изланишлари натижасида тил категориялари тафаккурда акс этади, деган хулосага келишган. XX асрда Сепир-Уорфнинг гипотезаси қаттиқ танқидга учради. Бугунги кунда эса уларнинг назарияси тилшуносларнинг асосий диққат марказида туради.

XX аср ўрталарида АҚШда «тилда инсон» тадқиқи бўйича янги йўналиш пайдо бўлди. Д.Хаймз лингвистик антропологиянинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқди. Олим лингвистиканинг муаммоси тил нуқтаи назаридан тил ҳақидаги билимларни умумлаштириш, антропологиянинг масаласи эса тил ҳақидаги бимларни инсон нуқтаи-назаридан умумлаштириш



эканлигидан келиб чиққан ҳолда фикр юритади. Унинг фикрларида гуманитар парадигмада лингвистик антропологиянинг бошқа барча тилшунослик соҳаларидан фарқ қилиши ва бу фарқ унинг реал дунёга индувидуал ёндашувга асосий эътибор қаратишдан иборат эканлиги айтилади[7; 184].

Лингвокултурологиянинг пайдо бўлиши XIX-XX асрларда фалсафий ва лингвистик назарияларнинг ривожланиши маҳсулидир. Сўнгги ўн йилликда Россияда бу соҳага оид бир неча тадқиқотлар юзага келди. Булар орасида В.А. Маслованинг дарслиги жаҳон тилшунослигида анча машҳур бўлган. Унда Россиядаги замонавий лингвокултурологик тадқиқ йўналишларига тавсиф берилган ва методологик базаси келтирилган. У лингвокултурологиянинг оралиқ характерга эга эканлигини таъкидлаб, уни «лингвистикадан ўсиб чиққан лингвистика ва культурология масалаларини бирлаштирувчи соҳа», «гуманитар жиҳатдан миллий ва тил жараёнида юзага келадиган материал ва руҳий маданиятни ўрганувчи соҳа», «интегратив билимлар доирасида эса ўзида культурология ва тилшунослик, этнолингвистика ва маданий антропология тадқиқотлари натижаларини акс эттирувчи соҳа» сифатида талқин қилади. Бироқ бу каби таъриф-у тавсифлар лингвокултурологиянинг асосий моҳиятини тўла очиб беролмаганлиги тилшунослар томонидан таъкидланган.

Дунё тилшунослигида лингвокултурологиянинг назарий-методологик асоси В.В.Воробевнинг «Лингвокультурология: назария ва методлар»[5] деб номланган тадқиқотида тўлиқроқ очиб берилган. Тадқиқот Гумболдт анъаналарига таянган ҳолда яратилган. Унда Л.Вейсгербер киритган терминологиядан фойдаланилиб, лингвокультурология лингво-мамлакатшуносликнинг назарий базаси сифатида баҳоланган. Тадқиқотчи «маданият билан тилнинг ўзаро алоқадорлиги ва ягона мақсадлар системасини ифодалашини ўрганиш»ни лингвокультурологиянинг асосий обекти деб кўрсатади. Тадқиқотчи лингвокультурологик обектларни



ўрганишда семантика, сигматика, синтактика ва прагматика бирлашувчи методлардан фойдаланишни тавсия қилади. У лингвокултурологик таҳлилнинг асосий бирлиги қилиб лингвокултуремани киритади, уни лингвистик ва экстралингвистик (тушунчали ва предметлик) мундарижасига эга бўлган диалектик бирлик деб баҳолайди. Сўз ва лингвокултурема ўртасидаги фарқни ажратиш учун А.А.Потебнянинг «сўзнинг яқин ва давомли маънолари» категорияси қўлланилади. Лингвокултурема сўздан фарқли равишда мураккаброқ структурага эга бўлиб, коннотатив маънони ифодалайди.

«Тил-маданият» муносабатлари дастлаб В.фон Гумболдтнинг ишларида тўлиқ ёритилган. Унинг тадқиқотининг предмети тил тизимида у ёки бу шаклда акс этган тил ва маданиятнинг ўзаро ички алоқадорлиги ҳамда ифодаланган далиллар ҳисобланади. Тил ва маданият муносабати масаласини ёритишда бундай ёндашув ушбу муаммо бўйича мавжуд бўлган қарашлар эволюциясининг мантиқий давомидир. Бу тараққиётнинг умумий босқичи В.фон Гумболдтнинг тилнинг миллат руҳи эканлиги ҳақидаги қарашлари билан боғлиқ. В.фон Гумболтнинг тилга тўғридан-тўғри маданият ифодаси сифатида белгилаган фикрлари кейинчалик Америка релятивистлари (Е.Сепир, Б.Уорф) томонидан ривожлантирилди. Шу маънода иккинчи босқич лисоний нисбийлик назариясининг туғилиши билан эътиборга тушди. Унинг моҳияти шундаки, ўз она тилига эга бўлган ҳар бир миллат шу тил доирасида чегараланадиган ўз дунёқарашига ҳам эга.

Америка релятивистларининг нуқтаи назарларида «тил абсолют ва умумий имкониятларга ажралади. У тафаккур ва ахлоқ меъёрларини белгилайди, мантиқий категориялар ва консепсияларини аниқлаштиришни бошқаради, инсоннинг ижтимоий ва индувидуал ҳаётидаги барча томонларига даҳл қилади, унинг маданият шаклларини белгилайди, инсоннинг ҳар бир қадамида уни бошқариб, етаклаб юради». Тараққиётнинг уч босқичида тил-маданият муносабатлари бўйича бир-бирини тўлдирувчи



мазмундаги ишлар юзага келди.

Релятивистик назария борлиқнинг лисоний манзараси гипотезасида ўз аксини топди. Кейинги босқичда лингвистлар келтирилган ёндашувлардаги мутлақликни инкор этади ҳамда тил ва маданият муносабатини чуқурроқ асослашга интиладилар. Бунда ўша даврнинг «идеологи» А.Вежбицкийнинг қарашлари муҳим ўрин эгаллади. Унинг таъкидлашича, «тилни ва тафаккурни тадқиқ қилишда мутлақ универсализм асоссиз ва хатарли бўлганидек, маданиятни ўрганишдаги мутлақ релятивизм ҳам худди шундай». Натижада, тил ва маданият алоқаларини амалда мавжуд бўлган қарашлар доирасида бир хилда қатъий равишда тавсифлаш мумкин эмас, деган хулосага келинди. Бу фикр моҳиятан етакчи ўринни эгаллади. Чунки тил маданиятни ифодаловчи восита, бевосита унинг ифодасидир.

Ўз навбатида, тил ҳам маданиятда акс этиб туради. Бундай тушуниш лингвомаданий муносабатларда тил триадасини юзага келтирди: тил – миллий ўзига хослик, тил – маданият. Тарасовнинг фикрича, тил ва маданият муносабатлари фақат матндагина «инсон ва маданият»ни англатувчи масала сифатида акс этади. Бундай ҳолатда гап тил бирликларини ўрганишда лингвокултурологик ёндашув ҳақида боради.

Ҳар бир инсон миллий анъаналар, тарих ва адабиётни ўз ичига олган муайян миллий маданиятга тегишли бўлади. Маданиятлараро коммуникация, тил ва маданият алоқалари, тил хусусиятларини ўрганишда мамлакатлар ва улардаги халқларнинг иқтисодий ҳамда илмий алоқари муҳим мавзулардан ҳисобланади. Е.Сепирнинг тўғри таъкидлашича: «Тил – бу маданиятни илмий ўрганишда етакчилик, бошловчилик қилиши билан муҳим аҳамиятга эгадир»[8].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 895 с.



2. Ахмедова М., Шодиева Н., Рахманова Н. Интеллектуал фаолиятида ички нутк // Academic research in educational sciences. TMA Conference. 2023. 4. 403-407.

3. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. -М., 1996. -124 с.

4. Вейсгербер, Й.Л. Язык и философия // Вопросы языкознания. – 1993.- №2

5. Воробьев В. В. Лингвокультурология (теория и методы). -М., 1997. 87 с.

6. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. — М.: Прогресс, 1985. – 465с.

7. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. -М., 1997. –184 с

8. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. -М., 1993. Степанов Ю. С. Константы: Словарь русской культуры. – М.: Академический проект, 2004. – 991 с.

9. Тарасов Е. Ф. Введение // Язык и сознание: парадоксальная рациональность. -М., 1993. С. -6-15.

10. Телия В.Н. Русская фразеология. – М.: Языки русской культуры, 1996. – 284 с.

11. Уорф Б. Отношение норм мышления к языку // Новое в лингвистике. Вып. 1.М., 1960;

12. Ahmedova M. Kh. Psycholinguistic features not literary words // Linguistics and Culture Review. 2021/11/18. 5. S2. P.1115-1121

13. A.M. Khadimatovna Spirituality of youth in speech activity // Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. 2021. 11. 10. P.1077-1080.

